



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1995 йил, 25 август № 34 (159) ●

Сотувда нархи эркин

Пўлат УМАРОВ:

ИНСОНДА ЭЪТИҚОД БУТУН БЎЛСИН

Унга бу янги вазифани таклиф этишганда аввалига бироз иккиланди: «Узим телефон хизмати бўйича мутахассис бўлсам, бутунлай янги соҳани эплай олармиканман?..» Вазирликда Пўлат Холматовичнинг тиниб-тинчимас, куйди-пишди раҳбар эканлигини яхши билишарди. Шунинг учун ҳам гапни чўзиб утиришмади: «Эплайсиз».

Шундай қилиб, П.Х.Умаров 1992 йили ташкил этилган Ўзбекистон — Америка «Камалак-ТВ» қўшма корхонасига бош директор этиб тайинланди. Дастлаб янги корхонанинг оёққа туриб олиши осон кечмади. Шу уринда директорнинг алоқа соҳасида тўплаган кўп йиллик бой тажрибаси асқотди. Тинимсиз изланишлар, елиб-югуришлар ахирги ўз самарасини бера бошлади. Жорий йилдан бошлаб эса корхона эришаётган ютуқлар янада салмоқли бўлмоқда.

Яқинда П.Х.Умаров Америка Қўшма Штатларида эфир-кабел телевидениyasi бўйича ўтказилган жаҳон конференциясида иштирок этиб келди. У билан бўлган гурунгимиз ана шу сафар таассуротларидан бошланди.

— Пўлат Холматович, Вашингтонда ўтказилган анжуман ҳақида қисқача гапириб берсангиз?

— Конференцияда Урта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидан ягона вакил сифатида қатнашимга тугри келди. Шунингдек, кенга-

дейилса дарҳол беҳаё курсатув-томошалар жонланади:

— Вулгар-беҳаё дастурлар йўқ ҳисоби. Тугри, мутлақо йўқ деб бўлмади, аммо улар алоҳида кодланган, пуллик, ҳисоб-китоблик. Улар устидан назорат бор. Меҳмонхонада ўзим гувоҳи бўлган 32 та каналнинг биронтасида бундай ахлоқсиз курсатувни учратмадим.

— Сиз «собиқ телефончи» сифатида Америкада йўқасак тараққиётга эришган мамлакатда алоқа хизмати, жумладан телефон алоқаси қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқан бўлсангиз керак?

— Албатта қизиқдим. Шунга амин бўлдимки, телефон соҳасида биронта муаммонинг ўзи йўқ. Меҳмонхонага борсангиз, хонангиздан ташқари, йўлакда ҳам, даҳлизда ҳам, диванда ҳам — ҳаммаёқда телефон аппарати... Рангбаранг, бежирим. Ҳаммаси хотирали... Керакли нарсани махсус сигнал орқали ёдингизга солиб туради. Битта қўшимча рақам терсангиз шаҳарга, яна биттасидан сунг штатларга чиқаврасиз.

Кучалардаги яшил рангли симёғочлар бир-бирига яқин қўйилган. 600 сифимли кабеллар худди биров атай ювиб, тозалаб қўйгандек яраклайди. Телефон-автоматларда ҳар чоракда янгиланиб туриладиган маълумотнома китоблари...

Булар ҳаммаси бир қарашда афсонага ўхшайди. Аммо биз афсоналар тезлик билан воқелика айланаётган тезкор замонда яшапмиз. Мустақиллик ҳам биз учун бир вақтлар афсонага ўхшамасмиди? Худога шукрки, шу кунларга етиб келдик. Демак, истиқболдан умидимиз катта.

— «Камалак-ТВ»нинг ҳозирги «кароматларини» ҳам бундан атиги ун-ун беш йил олдин тасаввур қилиш осон эмас эди.

(Давоми 2-бетда.)



Ўзбекистон алоқа лойиҳа-конструкторлик бюроси ташкил этилгандан буён унга Борис Михайлович РЕЗНИК раҳбарлик қилади. Узаро иқтисодий алоқаларнинг қийинлашуви билан боғлиқ муаммоларни бартараф эта олган бу аҳил жамоада ишлар янада юришиб кетди. Янги техникаларни жорий этиш ва ҳар хил эҳтиёт қисмлар юзасидан бюуртмалар турли жойлардан тинимсиз келиб турибди. Янгича шаронгта қўлга киритилаётган ютуқларга кўп жиҳатдан корхона раҳбарининг талбиркорлиги туйфайли эришилмоқда.

СУРАТДА: Б. М. РЕЗНИК иш хонасида.

Сураatkа Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Тошкентда Давлат алоқа назорати корхонасининг вилоятлардаги давлат алоқа назорати ва почта алоқа корхоналари раҳбарлари билан сим орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналаридан ҳам вакиллар таклиф қилинди. Мулоқотни Давлат алоқа назорати бошлиғи Шавкат Исломов олиб борди.

Ўзаро фикрлашув Давлат почта алоқа корхоналарида иқтисодий омилларни қўллаш орқали хизмат сифатини яхшилаш масаласи хусусида бўлди. Бу борада вилоятларда олиб борилаётган ишлар ҳақида жойлардаги алоқа корхоналари раҳбарлари қисқача ахборот беришди. Бундан буён алоқа хизмати сифати қаттиқ назорат остига олиниши лозимлиги қатъий таъкидланди.

Ингилишда «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси ўринбосари Қ. Тулубоев қатнашди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● Матбуотда «Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Америка Қўшма Штатларининг бир гуруҳ олимлари, профессор ва аспирантларининг Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига йўлаган табрикномаси эълон қилинди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Ғузур-Бойсун-Қумқўрган» (Қизил Октябрь) янги темир йўл линиясини лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу янги темир йўл линиясини 1995-2000 йилларда қуриш мўлжалланган.

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Тошкентда Офтальмология комплекси иш бошлади. Унинг фаолияти хайрия ишларидан иборат.

● Самарқанд шаҳри ҳокимлиги машҳур бастакор ва қўшиқчи Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов таваллудининг 140 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилди.

● Пойтахтдаги Алишер Навоий номли давлат кутубхонасида «Манас» қирғиз эпосининг 1000 йиллигига бағишланган китоблар ва расмлар кўргазмаси очилди.

● «АвтоВАЗ» ҳиссадорлик жамияти бу ерда ишлаб чиқарилаётган ўз машиналари хизмат муддатини белгилаб қўйди. «Нива» учун бу олти йил ёки 90 минг километр босиб ўтилган йўл, бошқа моделлар учун эса саккиз йил ёки 120 минг километрди.

● Машҳур рус олими ва академиги Андрей Сахаровнинг ота-боболари асли грециялик экан. Грециянинг Кея ороли маъмуриятидан олинган ҳужжат буни тасдиқлади.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Ҳамдустлик мамлакатларидаги тенгдошлари қатори таълим олаётган ўзбекистонлик 16 ёшли ўқувчи Улугбек Дадамирзаев билан шахсан суҳбатлашди. Билл Клинтонга Улугбекнинг Мустақил Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисидаги маърузаси жуда маъқул тўшиб, Вашингтонда у билан учрашди.

● Эрон Исломи Республикасининг Еревандаги элчихонаси Арманистонда Эрон фуқаросининг ўлдирилганидан қаттиқ ташвишда эканини маълум қилди.

ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Тошкент алоқа коллежига бу йил бешта мутахассислик бўйича 9-синф маълумотига эга бўлган 263 ва ўрта мактабнинг 11-синфини битирувчилардан 450 нафар абитуриент ҳужжат топширган эди.

11-синфини битирганлар биринчи мартаба тест синовларини топширишди, 9-синфлардан эса имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган 120 нафар абитуриент талабалikka қабул қилинди.



шимиз раиси Лапшин ҳамда Останкино телеминораси директори В. Мисуллин уринбосари билан иштирок этишди. Ригадан ҳам вакил бор эди.

Анжуманда қўрилган асосий масала асосан эфир-кабел телевидениyasi дастурларини кўпайтириш ва уларнинг мазмуни, сифатини яхшилашдан иборат эди. Кўпгина фойдала фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Айниқса ўсиб кетилган ёш авлодга, таълим-тарбияга дахлдор курсатувларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги гаплар анча жонли, қизиқарли бўлди. Анжуман давомида ўтказилган кургзма ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Аён бўлишича, айрим жойларда телефон тармоғи билан эфир-кабел телевидениyasi қўшилиб кетган экан. Аргентина, Португалия каби мамлакатларда эса эфир-кабел телевидениyasi жуда ривожланган. Дастурлар ниҳоятда кўп, ҳатто юздан зиёд экан.

— Сир эмас, айрим кишилар тасаввурда гарб

Пўлат УМАРОВ:

ИНСОНДА ЭЪТИҚОД БУТУН БЎЛСИН

(Бош 1-бетга.)

— Тугри айтасиз. Узингиз гап очиб қолдингиз, қўшма корхонамининг ишлари ҳақида ҳам ороқ тухталиб улсам. Маълумки, ҳозир мижозларга 8 та ва 4 та дастурли курсатувлар мажмуасини ҳавола этганмиз. Яқинда турганта узаткич урнатдик. Энди дастурлар ҳам яна туртгага қўяяди. Булар Си-Эн-Эн телекомпанияси, Санкт-Петербург ТВ, кино курсатувлари, махаллий ангилликлар, воқеалар ҳамда уз вазиригимиз ҳақида ҳикоя қилувчи янги дастурлардир.

Йил охиригача яна 6 та

янги дастур қўшилади, жами дастурлар сони 18 тага етказилади.

— Энди бу ажойиб хизматларнинг нархи қандай бўлади?

— Дастурлар кўпайишига қарамай, нархларни анчага камайтирмақчимиз.

Айтайлик, катта уй («дом») лардан кўпчилик томонидан буюртма тушса, биз эфир-кабел телекурсатувларнинг 4 дастурлик мажмуасини ун долларга урнатиб берамиз ва оёига 6 доллардан хизмат ҳақи оламиз. Биз ана шу нархни оширмаган холда дастурлар сонини 6 тага етказмақчимиз.

— Унда фойда ниманинг ҳи-

собиға бўлади?

— Фойда мижозларнинг кўпайиши ҳисобига бўлади.

— Эфир-кабел телевидениясини пойтахтдан бошқа жойларда ҳам йўлга қўйиш режаси йўқми?

— Бундай режа бор, албатта. Самарқанд ва Бухородан, Навоийдан, Бекоболдан бу борада бизга қўллаб буюртмалар, илтимослар тушмоқда. Бу хайрли ишларни худо хоҳласа 1996 йилдан бошлаймиз. Буни учун имкониятимиз етарли. Қўшма корхонамининг хориждаги ҳиссодорлари бу йилги даромадларини эфир-кабел телевидениясини янада ривожлан-

тиришга ҳада қилишмоқчи.

Қўшма корхонамизда жорий этилган «Пейжинг» хизмати ҳам Тоҳир Ҳақимович Абдулаев каби мутасаддиларнинг саяё-ҳаракатлари туғайли яхши самаралар бермоқда.

— Пўлат Холматович, шу урида суҳбатимизга оз-моз дахлдор бўлган бир масалага диққатингизни тортмоқчи эдим. Сир эмас, ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар даврида айрим одамлар қорни билан фикрлайдиган бўлиб қолди. Шу боис улар илму маърифатдан, айниқса мутолаадан андак йироқлашдилар. Телевидения эса мутолаанинг, китобхонликнинг рақобатчиси-дир. Айтмоқчиманки, сиз жон куйдириб юрган эфир-кабел телевиденияси янада гуркираб

ривожланса, бусиз ҳам китоб ўқимай қуйган одамларга жабр бўлмасмикан?..

— Сиз жуда муҳим масалани тилга олдингиз. Менимча, бу муаммо мактаб, оила, бутун жамоатчилик диққат-эътиборида бўлиши лозим. Қўлаверса, кўп нарса одамнинг ўзига, олган тарбиясига боғлиқ. Муҳими — инсонда эътиқод бутун бўлсин.

Қаловини топса қор ҳам ёнади дейишди. Сиз айтган мутолаа, китобхонлик маданиятини уш рақобатчи ойна жаҳоннинг ўзи орқали ҳам тарғиб-ташвиқ этиш мумкин.

— Мазмулли суҳбатингиз учун ташаккур.

Ш. ОТАБЕК
суҳбатлашди

— Мухбиримиз? Э, ундай бўлса почтачизим Ирания Исҳоқова ҳақида ёзинг, — деди Ҳамза туманидаги 73-алоқа бўлими бўлиниги Комила опа Алиева мамнулик билан. — Ирания опа сиз кидилдан меҳнат қилиб, ҳамкасбларингиз ҳам, мижозларингиз ҳам ҳурматино қозонган. Ҳозир улар Фаргона йули — Жарқургон кўчалари аҳолисига хизмат қилдилар. Янги газета-журнал, хат-хабар келиб қолса, топширилган

ойнахатлар.

— Демак, режа бор экан-да?

— Бор! Марка, хатжилд, ойнахатлар учун 3000 сум, газеталарга эса талабга қараб узимиз буюртма берамиз...

— Бу хизматларингиз учун кўшимча ҳақ тулашадими?

— Тушган пулнинг 5 фоизи мукофот тариқасида берилади.

— Газета сотишга берилиб, участкангиздагиларни унутиб қўймайсизми?

зу қилар эдим. Мактабни тугатгач, Мактабгача тарбия педагогика билим юртига ҳужжатларимни топширдим. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтгач, талабаликка қабул қилиндим. Қувончим чексиз эди, лекин шу орада отам тўсатдан вафот этди. Уларим ҳали кичкина, иккаласи ҳам мактабда ўқир эди. Уйлаб қуриб, ўқишни ташладим-да, «Электротехника» заводига ишга кирдим. У ерда бир неча йил ишладим.

БИЗНИНГ ИРАЛИЯ ОПА

участкасини қайта-қайта айланнишга доим тайёр турадилар. Бугунги ишни эртага қўймайдилар. Ҳозиргина сумкаларини тўлдириб чиқиб кетгандилар.

Кимсасиз кучада залворли сумкасини елкасига осган, 45 ёшлар чамасидаги, қотмадан келган аёл ҳар бир эшик олдида тухтаб, тегишли газета-журнал, хат-хабарларни кўтига ташлаб кетаяпти.

— Почтачи опа!

Рунарадаги эшикдан 10-12 ёшлар чамасидаги бир бола юғриб чиқди.

— Дадамга «Труд» газетасидан берман деган экансиз, ма-на пули.

Опа сумкасидаги тартиб билан тахланган бир даста газеталар орасидан «Труд»ни олиб, болага берди.

Почтачи келганлиги хабарини эшитган бошқа уйдагилар ҳам бири-кетин чиқиб, ким «Тошкент оқшони», ким «Аргументы и факты», «Труд», яна кимдир «Тошкент ҳафталиги»ни олишди.

— Одатда почтачилар газета сотишмас эди, — дедим мижозлар тарқалган, узимни таништириб.

— Обуна бўлишга кечикишганда. Кўряписиз-ку, ҳозир нархлар узғариш турибди. Газета дўкони-га бориш учун икки-уч кучани босиб ўтиш керак.

— Қайси газеталарни кўпроқ харид қилишяпти?

— «Труд», «Тошкент оқшони», «Вечерний Ташкент» газеталарини.

— Газеталардан бошқа нарса ҳам сотасизлар-ми?

— Ҳа, хатжилд, маркалар,

— Ҳар ой охирида алоқа бўли-мидан топшириқ оламиз. Қандай хизмат курсатилганлиги ҳақида ёзиб беришларини сураб махсус назорат варақчаси тарқатамиз. Варақалар йиғиб олинганда на-тижа маълум бўлади.

Опа ана шундай варақалардан бир дастасини сумкасида олиб, бизга ҳам курсатди. Фаргона йули 3-тор куча, 172-уйда истиқомат қилувчи Ш. Раҳимова, Жарқургон 1-берк куча, 26-уйдан Аъзамова, 3-тор куча, 162-уйдан М. Норқўзиёва, Жарқургон куча-си, 24-уйдан Бойқобилов ва бошқа газетхонлар почта хизматидан миннатдор эканликлари ҳақида ёзишди.

— Мен ҳозир, бир минутга, — деди Ирания опа ҳаяжонланиб. 4-хонадонда яшайдиган Конивецга Россияда яшайдиган ўғлидан хат келибди. Узи пастга тушо-лмайди. Овқлари оғрибди. Ҳар са-фар ойнадан бошини чиқариб, йўлимни пойлаб турар эди, — де-дида, шошиб юқори қаватга чи-қиб кетди.

Бир оздан сўнг юз-кўзи ёри-шиб пастга тушди.

— Уғлидан хат олиб, бечора-нинг боши осмонга етди, — деди опа жилмайиб.

— Ҳар кун шунча йўл босиб, толиқиб қолмайсизми?

— Уйингдан кўнглинг хотир-жам, танинг соғ бўлса, юрганга нимма етсин. Юришинг фойдаси бор, холос!

Мен Ирания опадан ўзи ҳақи-да ҳам озгина гапириб беришни сурадим.

— Майли. Қизиқ, нимадан бошласам экан. Келинг, боши-дан бошлай қолай. Ешлигимда болалар богчасида ишлашни ор-

Бир кун хат жўнатиш учун мана шу — ҳозир ишлаётган почтага кириб — почтага оператор керак-деб ёзилган эълонни қуриб қол-дим. Дарров ишга қабул қилиш-ларини сураб ариза ёздим. Шун-дай қилиб, телеграмма, жўнат-малар қабул қилувчи ходим бў-либ ишлай бошладим. Орадан 3 йил ўтгач, турмушга чиқдим. Тур-муш урғогимнинг яшаш жойи То-жикистонда бўлганлиги сабабли ўша жойга кўчиб кетдик.

Уғлим туғилган, касалхонадан бошимиз чиқмади. Шифокорлар уни бир неча марта ўлим чанг-лидан олиб қолишди. Шу орада турмуш урғогим ҳам юрак хуру-жидан оламдан ўтди. Уғлим ка-салманд бўлгани сабабли Тош-кентга қайтишга ҳаракат қилдим. Бироқ иложи бўлмади. Шундан сўнг сал бўлса ҳам қиңроқ деб уйимизни алмаштириб, Нуробод шаҳарчасига кўчиб келдик. Узим шаҳарчадаги меҳмонхонада фар-рошлик қила бошладим. Орадан уч йил ўтгач, уғлим яна дарда-га чалинди. Шундан сўнг уни даво-латиш учун Тошкентга, онамнинг олди-га қайтиб келдим. Мана эн-ди анча ташвишлардан холиман. Болаларим соғ-саломат. Қизим Мария «Давр» фирмасида коти-ба бўлиб ишлаяпти. Уғлим Тагир 13 ёшга тўлди, мактабда ўқия-пти. Узим ҳам сеvimли ишимга қайтдим. Қуриб турганингиздек хат ташувчи бўлиб ишлаяпман.

Алоқа бўлими олдида Ирания опа билан хайрлашар эканман; унинг иродасига, ўз касбига садоқатига қўйил қолдим, унга хур-матим ошди.

Мақсуда ҲАКИМОВА

• Мустақиллик танловига

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛГАНЛАР

Алоқа боғламамизда ҳамма Мусаллам опа Бобоева номини ҳурмат билан тилга олади. Нега дейсиз-ми?

Мусаллам опа алоқа боғламамидаги энг тажрибали ишчи. Мана 28 йилдирки Яккабоғ тумани аҳолисига узқоқни яқин қилиб, тез ва соз телефон хизмати курсатиб келяптилар. У кишининг бир-бирдан яхши 10 нафар фарзанди бор. Оиласидан ўзи каби жонқуяр, эгилч шогирд-лар етказди. Ҳозир Мусаллам опа оиласида тўрт нафар алоқачи бор.

Хиебон қишлоғида чопқиллаб, дугоналари билан ҳазил-хузул қилиб юрган йиллари ортада қолиб, шаҳарга келин бўлиб тушган Ёш Мусаллам бекор ўтиришни истамасди. Кўнлардан бир кун иш сураб тумандаги алоқа боғламасига борди. Ёш Мусалламнинг ишга бўлган қизиқишини сезган алоқа боғламаси уни телефончи вазифасига ишга қабул қилди. Ўша вақтларда телефончилар хоналарда 2 кишидан навабда туриб, бутун туман ахлига хизмат курсатишарди. Бу эса катта меҳнат ва сабр-тоқат талаб қиларди. Касбига меҳр қўйган Мусаллам опа катта қизиқиш ва тиришқоқлик билан касб сирларини мукамал ўрганар, билмаганларини Мингнора опа Аликуловадан сураб-суриштирар, устоз уғитларини қулোগига қўйиб олар эди.

Бир кун ишончасига қайсинглиги Раъно келиб қолди. У янгисинга бошқа шаҳарлар билан бемалол гаплашаватганини қуриб, теле-фончилик касбига қизиқиб қолди. Шу кундан бошлаб синглиси Назоқат кетма-кет тугатгач, ҳеч икканиб утирмай тулпа-турги электр алоқа боғламасига ишга келишди. Яқинда улар сафига Мусаллам опанинг қизлари Муқаддас ҳам қўшилди. Хуллас, оилави алоқачилар сафи тобора кенгаймоқда.

Гулнора САФАРОВА,
Қашқадарь вилояти, Яккабоғ тумани
электр алоқа боғламаси

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркаси» давлат нашриёт маркази Ўзбекистонда камёб ҳайвонлар сурати тушрилган тўрт турдаги почта маркаларини нашрдан чиқарди. Бу почта маркалари бутунлай йўқолиб ке-

бекстоннинг Қўҳитанг қуриқхо-насида яшайди.

Ушбу почта маркалари Халқаро ҳайвонларни қўриқлаш жамғарма-сининг тамғаси билан чиқарилган бўлиб, тамгага панду айнигинг



тиш хашифи остида бўлган жуфт тувоқли мархўрларга бағишлан-ган. Мархўр қизил китобга кири-тилган бўлиб, у Амударё ва Пан-жоб дарёларининг юқори қисми ўнг қирғоғидаги тоғларда ва Ўз-

тасирни туширидиган. Марказар кўп нусxada чоп этилган.

Бундан ташқари, Марказ Ўзе-кстон Республикасининг тўрт йил-лигига бағишлаб «Буюк йпақ йў-ли» маркалар тулпам чоп этишни режадаштирган.

• Алоқа матбуот кўзусида

ЛЕНСВЯЗНИНГ УМИДИ ЗАМОНАВИЙ АЛОҚАДАН

Сентябрь ойида очик усулда-ги «Ленсвязь» ҳиссодорлик жа-миятининг акциялари танлов асо-сида сотилади. Танлов шарти қуйидагича: пакет эгаси уч йил мобайнида Ленинград вилояти телекоммуникациясини такомил-

лаштириш ва ривожлантиришга 40 миллион доллар сарфлаши лозим. «Ленсвязь»нинг ўзи эса асосий фаолият турларидан келадиган ту-шум ҳисобига 19,1 миллион дол-лар қўшмоқчи.

Ҳозирча компаниянинг дарома-

ди йўқ. Бригания фирмаси масла-ҳатчиларининг баҳолашича, 1994 йили компания кураётган зарар 2 миллион долларга етган. 1995 йил 1,6 миллионни ташкил этади, дейишмоқда.

Уз акцияларининг 20 фоизини сотиш эвазига эришилган инвес-тицияни «Ленсвязь» замонавий ра-қамли тармоқни ривожлантиришга сарфламоқчи. Асп охиригача — турт йил мобайнида «Ленсвязь» ви-лоятлардаги туман марказларида

15 та рақамли АТС қуриб, иш-ша толали оптик ва радиореже-ли линиялар ўтказишни режа-лаштирган.

«Ленсвязь» раҳбарларининг айтишича, 1998 йилга бориб олинадиган даромад 300 минг долларга етади. Яқин йиллар ичида «Ленсвязь» катта даро-мад олишни мўлжалламаяпти. Янги асбоб-ускуналарни жорий этиш, мутахассисларни қайта тайёрлаш узоқ вақт давом эта-диган жараёндир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазиригининг болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси маъмурияти шифохона врачи Холисхон Исмондогова отаси, Уруш ва Меҳнат фахрийси ШОраҳим ИСМОИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Улугбек, Абу Саъид, Хусайн ибн Мансур ибн Байқаро даврларида ҳам почта хизмати (Девони барид) яхши ишлаганиги тарихий манбаларда акс этганлигини кўрамиз.

Алишер Навоий, Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий ва бошқа буюк зотларнинг ёзишмалари биз учун ёрқин намунадир. Бу муборақ мактубларда халқлар ўртасида тинчлик ва осойишталик, маданият янгиликлари, инсонпарварлик ва динпарварлик руҳидаги илтимос, таклиф, истақ ва орзулар ифодаланган. Мактубларнинг ҳар сатрида хат эгаларининг мусаффо қалби, юксак маънавий фазилатлари, инсон қадрини баланд tutиш каби ноёб инсоний хислатлари яққол сезилиб туради. Таниқли шарқшунос олимлар Асомидин Уринбоев билан Маҳмуд Ҳасаний «Муборақ мактублар» рисолисида ана шу хатларнинг ёзилиш тарихига эътибор берадилар. Биз бундан кейин доимий равишда нодир мактублардан намуналар бериб борамиз.

Х Х Х
СУЛТОН ХУСАЙН БАЙҚАРОГА
Фақир ҳақир Абдурахмон ал-Жомийдан.
Бисмиллоҳи раҳмони раҳим. Алҳамдулиллоҳ!
Илоҳим, дилингни абадият нури билан ёритсун.

Кунглинг саҳфасига жовидон сирлари нақш бўлсун.
Кай сори куришга чоғлансанг,
Жамъи олам мамлакатлари Сенга мулк бўлсун!
Онҳазратнинг оинаи масо-

жоб бўлсун. Мазкур ишларда галаба тулпори — сабр-дур ва шошқалоқлик — хавф-хатарга йулиқтирувчи пистирмадур. Иншоаллоҳ, онҳазратнинг музаффар лашкарлари галаба топсунлар, сафарда

рангиз «Кўҳи қудсий» шуъласидан доимо равшан бўлсун.
Х Х Х
АЛИШЕР НАВОЙГА
Фақир ҳақир Абдурахмон Жомийдан
(Саломлардан сунг) фурса-

ла бошлаб эрди.
Ва лекин, бир тўда бош, илгари вазифасидан бўшатилган айрим даллолар висотасида қонуний тамга солигидан ташқари яна солиқлар олиб, савдогарларга жабр-зулм қилмоқда. Улар бу ерга келганидан пушаймон ёмоқдалар.

Бошқа арз. (Дехқонлар ва бошқа фуқарога) фавқулодда туловлар юкломқдалар. Дуд (тутун) солигига ўхшаш туловлар ҳаддан ошиб кетган ва ҳеч ким буларни тартибга солмайду. Арзисма баҳоналар билан аҳолидан куп нарсаларини тортиб олмақдалар. Бу ишлар адолати ва мурувватини Оллоҳ фузун қилгур ҳазрати ҳилофатпаноҳ (подшоҳ)нинг ақинларига ҳам шармандалиқдан ўзга ҳеч хусул (хосиллар) келтирмайду.

Хулласи қалом, (Хурсонда) мусулмонлар додига етадиган одам йўқ, ҳаммалари фақат ўз фойдасини кўзлайди. Ас-салом алайкум (Сизга саломатлик тилайман)!

Рабиул аввал (сентябрь), Ҳижрий 874 (йил 1479) йил.

Нашрга тайёрловчилар
Асомидин УРИНБОВ,
Маҳкам АНДИЖОНИЙ

НОДИР МАКТУБЛАР

• Алоқа тарихидан

лики диний ва дунёвий, кушодан мақосиди суворий ва маънавий бўлмиш нурафшон ақлининг давлатхоҳларига маълум бўлсунки, Ҳақ таолонинг қудрати бирла давлатпаноҳ подшоҳнинг кўпчилик истақ ва тилақларини зоҳирий сабаблар иштирокисиз ҳам, раъиятга (фуқароларга) гамхўрлик қилишдек покиза ниятлари шарофати бирла батамом рўебга чиқаргандур, жуда куп ўлкаларни давлати дастига мусаллам қилгандур.

Умидимиз шулки, онҳазратнинг қудрати ва шоншавкати (ўзи иштирок этмаган ишларда ҳам) мақсуддаги фатҳу галабаларни қўлга келтургай. Онҳазратнинг қилаётган амаллари унинг фазилатлари ва марҳаматлари шоҳидларининг кўзларига ҳи-

ва уйда уларни залолат ва фалокатлардан Оллоҳ ўзи асрасун (Салом ва эҳтиром ила).

Х Х Х
СУЛТОН ХУСАЙН БАЙҚАРОГА
Бисмиллоҳи раҳмони раҳим. Алҳамдулиллоҳ!
(Шеърдан кейин) Маълумингиз бўлсунки,
«Нафаҳотул-унс мин ҳазаротул-қудс» («Муқаддас чўққилардан эсанг дустлик шабобдалари») китобидан бир неча текшириб, тузатилган жузларини Сиз онҳазратингизга юборилди. Тамани орзу-истақларимиз — китобинг қолган жузларини ҳам туғаллаб, ҳазратларига йуборишду. Тилармизки ҳаммаша илҳомингиз «Қурби маънавийдан муаттар бўлсун, чех-

ти ва имкони топилса ҳазрати олийлари (Хусайн Байқаро)нинг арзи хумоюнига (эътиборига) халқнинг ҳолаҳволини еткурсангиз.

Бирламчи: бир гуруҳ авбош, безори, ўғри, муттаҳам, товламачилар ҳамма жойда билган номақулчиликларини қилмоқдалар. Шу кунларда куп бегуноҳлар қони туқилди, аммо ҳеч ким бу ишларни текширмади. Кеча кечаси бир гуруҳ авбошлар қабристонда паноҳ топган фақирлар устига бостириб бориб, қилич бирла бир фақирга куп захм етказибдур, аҳволи не бўлур?

Ҳабар тарқалган эрдик, бундан бевн ҳеч ким савдо аҳлини безовта қилмас, деб. Шулу туфайли атроф-жавоибдин яна савдогарлар ке-

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИС-САЛОМ АЙТАДИЛАР:

Мунофиқлик белгиси учтадир: Ўлгон сузлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

Чақирилган жойгагина боринг.

Нафақа (моддий ёрдам маъносиди) ва садақа беришда аввал ўзингдан бошла. Агар бирор нарса ортса, аҳли аелингда (оила аъзоларига) бер. Яна бирор нарса ортиб қолса, қариндошларингга бер. Улардан ҳам ортса бошқаларга бер.

Одамлар ичида Тангрига ёқимсизроғи — ашаддий душманлик қилувчидир.

Бидъат-хурофотга берилган одам то уларни тарқ этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди.

Таомни совитиброқ истеъмол қилинглар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди.


Қалбинг мулоим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бул, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлур.

Кўй боқинглар, чунки у барақадир.

Ҳаром нарсалардан сақланг — одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг — одамларнинг буюроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг — тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг — саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп қулиш дилин ўлдирди.

Тангридан қўрқинг. Яхши ва хайрли ишларнинг бирортасини кичик санаманг, сув сураган кишининг идишига челақдан сув қўйиб бериш билан ёки биродарингизни очқ юз ила қарши олиш билан бўлса-да, эзулик қилинг. Кибр юзасидан иштонни узайтириб кийишидан сақланг (Уша даврда кибрининг асосий белгиларидан бири лозимини ҳаддан ташқари узун кийиш бўлган). Тангри кибрни ёмон кўради. Агар сизни бирор киши ҳақоратласа ва сизда йўқ айблар билан айбласа, уни унда бор айблар билан айбламанг, уни қўяверинг, шунда ғуноҳи унга, савоби сизга бўлур. Ҳеч кимни ҳақоратламанг!

Тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар.) Икки кишига Тангри қўямат қуни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига.



Кай бири гузал — еққанини танлаб ол.

• Ажаб дунё

ХАРҲАША АЙБДОР

Эру хотин ўртасидаги жанжалларга кўпроқ ким айбдор деб уйлайсиз? Англияда чиқадиған оммабоп бир журналнинг қайд қилишича, бундай кўнгилсизликларнинг асосий айбдори харҳаша (Р. Парфи) — яъни хотинлар экан. Қилдан қийиқ ахтариш оқибатида келиб чиқадиған жанжалларнинг 60 фоизини авллар туфайли руй бераркан.

КИМНИНГ ҚЎШИГИ ЯХШИ?

(Масал)

Кунлардан бир кун Қурбақа, Бузоқбоши ва Чигиртка учрашиб қолишди. Улар ким истейдодлироқ экани ҳақида узаро баҳслашибдилар.

— Эй, жоним мураббон, сизлар ҳам юрибсизларда! — дебди Қурбақа. — Мана, менинг майин овозимни зангор сув дунесининг борлиқ аҳли жон қулоғи билан, мириқиб тинглайди.

— Овозингда шира йўқ. Улкан денгиз дунёси сени қандай тинглаган-кан-э? — личинг қилибди Бузоқбоши. — Мана мен одамларни овозим билан аллайман. Улар сеҳрли овозимни эшитганда ором олиб, ҳузур қиладилар.

— Бемаза гапингни қўй, ошна. Дунёда менинг овозимга етадиган овоз йўқ, — дебди Чигиртка. — Баланд-баланд бугот ва дарактлардан туриб товушимни кўкка таратаман. Ҳар бир каломим шунчалик садо берадики, ҳатто етти қават осмон ларзага келади. Киройи созинг бўлса, шундай бўлсин. Истейдод бобиди хали менга етадигани тугилмаган...

Хуллас, баҳс-мунозара тонггача давом этдиби.

Кўш ҳам кибриklarини қоқиб, нур тарата бошлабди.

Қурбақа сув тағига шўнгиб кетибди. Чигиртка буготнинг қоронғи бурчабга, Бузоқбоши бўлса ер қаърига кириб, гойиб бўлибди.

Шу маҳал Булбул табиий, жозибали қўшигини бошлабди. Бу сеҳрли оҳанглрдан одамлар хали-ҳануз баҳра олишар экан.

Эркин ҚОДИРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шўҳрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Масъул котиб)
Мирзиалт МИРЗО
Тоҳир РАХИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўриови АҲМЕДОВ

Билол АМИНОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятта келган кўлабмаълум (2 орадиқда, 5 бетгава оинамаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақодалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидир.
Рўйхатта олиш №000011. Буюртма №Г-0426. 9894 нусхадда чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичимни А-3, ҳажмин 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ I
 17.55 Мустақиллик жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 «Омилкор инсонлар».
 18.35 Футбол шарҳи.
 18.50 «Ўзбектеелефильм» фестивали. «Учқудук: ислохотлар чорраҳсида». Премьера.
 19.25 Ўзлонлар.
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 Мустақиллик жамоли.
 19.55 Ўзлонлар.
 20.00 «Шодённа». Тўхтасин Жалилов номидagi халқ чолғу оркестрининг концерти.
 20.40 Оқшом эртақлари.
 20.55 Ўзлонлар.
 21.00 «Ахборот».
 21.25 Мустақиллик жамоли.
 21.30 Ўзлонлар.
 21.35 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
 22.05 Бир жуфт кўшиқ.
 22.15 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир. Саралаш мусобақалари.

22.45 Мустақиллик жамоли.
 22.50 Ўзлонлар.
 22.55 — 23.20 «Ахборот».
ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
 18.30 Болалар учун. «Кўзумчоқ».
 19.00 «Тахил».
 19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
 19.40 «Декон ҳиммати».
 20.10 «Экология ва ҳаёт».
 20.40 «Тошкентга савҳат».
 21.10 — 21.50 «Мунозара оқшоми».

ТЕЛЕТОМОШАБИНАР ДИККАТГА!
 28 августдан 13 октябргача Россия давлат телевидениеси кўрсатувларида техник сабабларга кўра таърифус эълон қилинган.
 Айрим кўрсатувлар намойиш қилинадиган кун ва вақтдаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар шу билан изоҳланади.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 18.10 — 20.45

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.50

22.55 — 23.40
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».
 19.00 «Гарда» Телефильм.
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефчи» — «Наврўз».
«ОМАД» таништиради:
 21.20 Мустақиллик жамоли.
 21.25 Ўзлонлар.
 21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
 22.20 «Салом, ёшлар!».
 23.00 «Жаҳон географияси».
 23.50 Ўзлонлар.
 23.55 Видео — «О».
 01.25 Ўзлонлар.
 01.30 «Курьер».
 01.50 — «яна об-хаво ҳақида».
 02.00 — 02.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ I
 6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Мустақиллик жамоли.
 8.05 Бобур издан. «Болалар ёди».
 8.35 «Актёрлар ва роллар». Доно Бобоқонова.
 9.50 Немис тили.
 10.20 «Ёшлик» студияси. «Эъоз».
 11.00 Уқувчиларнинг август кенгашиларида.
 12.00 Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз шаҳар Малдин уйи мактабчилар ансамблининг концерти.
 12.40 «Солиқ».
 13.00 — 15.00 «Умидлар йили». Видеоканал.

17.55 Мустақиллик жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 Мультфильм.
 18.25 «Кинот гули».
 18.55 «Ўзбектеелефильм» фестивали. «Саҳна юлдузининг нузли шуъласи». Премьера.
 19.25 Ўзлонлар.
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 Мустақиллик жамоли.
 19.55 Ўзлонлар.
 20.00 «Халқ денгиздир». Чўлпон лирикаси.
 20.40 Оқшом эртақлари.
 20.55 Ўзлонлар.
 21.00 «Ахборот».
 21.25 Мустақиллик жамоли.
 21.30 Ўзлонлар.
 21.35 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
 22.05 Теннис бўйича Ўзбекистон

Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнирнинг очилиши.
 22.50 Мустақиллик жамоли.
 22.55 Ўзлонлар.
 23.00 — 23.25 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
 18.30 Мустақиллик жамоли «Мультикарusel».
 18.45 «Табият дунёси».
 19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-ба-қадам».
 19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
 20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
 21.10 Видеоид.
 21.30 «Теле-ателье-шоу».
 21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
 22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.40

22.40 — 01.10
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».
 19.00 «Элада».
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 «Харакатда баракат».
 20.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
 21.10 «Манбалар».
 21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
 22.10 «Шимолӣ Экспресс» телеклуби.
 22.55 «Соккер-клуб».
 23.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
 23.50 — 00.10 Теннис. Турнир жилolari. Кўрсатуви А. Метревели олиб боради.

ЧОРШАНБА, 30
ЎзТВ I
 6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Мустақиллик жамоли.
 8.05 Бобур издан. «Фарзандлар бурчи». 2-қисм.
 8.30 «Илҳом мавжлари».
 8.50 «Тараққиёт».
 9.20 Алифбо сабақлари.
 9.50 «Саховат».
 10.20 «Хуқуқингизни биласизми?».
 10.40 «Ёшлар ва замон».
 11.10 «Театр уршулувлари».
 12.10 «Бола бошидан...».
 12.50 — 14.50 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

17.55 Мустақиллик жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Янгиликлар.
 18.10 Мультфильм.
 18.20 Болалар учун. «Санъат гунаҳлари».
 18.55 «Ўзбектеелефильм» фестивали. «Мовароуннаҳр». Премьера.
 19.25 Ўзлонлар.
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 Мустақиллик жамоли.
 19.55 Ўзлонлар.
 20.00 «Байрамнингиз кўнгилли ўтсин».

20.20 Ўзбекистон ва жаҳон. «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
 20.40 Оқшом эртақлари.
 20.55 Ўзлонлар.
 21.00 «Ахборот».
 21.25 Мустақиллик жамоли.
 21.30 Ўзлонлар.
 21.35 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.
 22.35 «Ислохотимиз тамойиллари».
 23.05 «Истиқлол наволари».
 23.35 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.
 00.15 Мустақиллик жамоли.
 00.20 Ўзлонлар.
 00.25 — 00.50 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
 18.30 «Дарсга кўнгирик».
 19.15 «Муслиқий меҳмонхона».
 20.15 «Бумеранг».
 20.45 «Тошкент оқшомида».
 21.45 «Рок-сеанс».
 22.25 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.15

22.55 — 00.45
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».



19.00 «5+1».
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 «Хайр, ёзи».
 20.20 Теннис. Турнир жилolari. Кўрсатуви А. Метревели олиб боради.

«ОМАД» таништиради:
 20.40 Мустақиллик жамоли.
 20.45 Ўзлонлар.
 20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
 21.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 31
ЎзТВ I
 6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Мустақиллик жамоли.
 8.05 Бобур издан. «Табаррук қадамжолар». 3-қисм.
 8.30 «Юрт ҳақида кўшиқ».
 9.10 «Ўзбектеелефильм» кўрсатади.
«Ўзбекистон: мустақиллик олдмилари».
 10.05 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».

10.30 Мустақиллик жамоли.
«Тангалик болалар». Бадий фильм.
 11.50 «Кўшигимдасан, Ватан». Адабий-муслиқий композиция.
 12.30 «Ўзбектеелефильм» кўрсатади.
«Юртимда истиқлол руҳи». Премьера. 1-фильм.
 13.00 «Миллатнинг дардига дармон бўл».
 13.20 Мустақиллик жамоли.
 Муслиқий дақиқалар.

13.30 «Болалар — гуллолалар».
 13.50 «Кирол шер». Мультфильм.
 15.20 «Пойтахтимиз — кўркимиз».
 15.40 «Юрт ишқида ёнамани». Киноконцерт.
 16.00 «Мен озодликка интилдим».
 16.30 «Ўзбектеелефильм» кўрсатади: «Фавворалар». Премьера.
 16.40 «Ким топди?».
 17.40 «Ўзбекистон — ўз уйимиз».
 18.05 Мустақиллик жамоли.
«Ўзбектеелефильм» кўрсатади.
«Юртимда истиқлол руҳи». Премьера. 2-фильм.
 18.35 «Ўзма-юзма».
 18.55 Мустақиллик жамоли.
 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
 19.25 Мустақиллик жамоли.
 19.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.
 22.00 «Ахборот».

22.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро турнир.
 23.10 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.
 01.40 — 01.50 «Истиқлол рамзи». Телефильм.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
 18.30 Мустақиллик жамоли.
 18.35 «Кўнгил».
 18.45 Мустақиллик жамоли.
 18.50 «Даракчи». Байрам сони.
 19.10 Байрам концерти.
 19.25 Мустақиллик жамоли.
 19.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.

22.00 Мустақиллик жамоли.
 22.05 «Курьер». Байрам сони.
 22.25 Ўзлонлар.
 22.30 — 23.00 «Мухаббатга ошно қалблар».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.40

22.55 — 00.40
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».
 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
 19.25 Мустақиллик жамоли.
 19.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.
 22.00 «Жаҳон ва биз».
 22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
 23.40 «Гўзаллик бунёдкорлари».
 00.10 «Вилотнинг хикояси».
 00.50 — 01.10 Интернет-концерт.

ЖУМА, I

ЎзТВ I
«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 7.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.40 ГАЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КўРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ЎзТВ II
 19.30 — 02.40 ЎзТВ I дастури.

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.40

22.55 — 01.40
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».
 19.00 «Байрамнинг муборак, Ўзбекистоним!».
 19.40 «Севимли шаҳар».
 20.20 «Олимпиадага йўл».
 20.40 «Кимга қанақат? Байрам сони.
 21.25 «Муслиқий савҳат».
 21.55 «Ўзбекистон — ўз уйимиз».
 22.55 — 23.15 Теннис. Турнир жилolari. Кўрсатуви А. Метревели олиб боради.

ШАНБА, 2

ЎзТВ I
 6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Мустақиллик жамоли.
 8.05 Болалар учун «Санъат гунаҳлари».
 8.55 Телевизион миниатюралар театри.
 9.40 Мустақиллик жамоли.
 9.45 «Биламизку, аммо...».
 10.30 «Жондан азиз». Кинокомпозиция.
 10.55 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
 11.55 «Халқ ижодиёти».
 12.30 — 14.30 «Ёшлик» видеоканали.

17.55 Мустақиллик жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 Болалар учун фильм. «Биринчи кўнгирик».
 18.30 «Ахборот» (рус тилида).
 18.50 Ўзлонлар.
 18.55 Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиши.
 20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
 20.40 Оқшом эртақлари.
 20.55 Ўзлонлар.
 21.00 «Ахборот».
 21.25 Мустақиллик жамоли.
 21.30 Ўзлонлар.
 21.35 «Муслиқий чойхона».

22.30 Спорт кўрсатувлари. 1. Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир. 2. Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиши.
 00.20 Мустақиллик жамоли.
 00.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
 9.00 Мустақиллик жамоли.
 9.05 «Кўнгил».
 9.15 Мустақиллик жамоли.
 9.20 «Даракчи». Байрам сони.
 9.40 Байрам концерти.
 9.55 Мустақиллик жамоли.
 10.00 «Курьер». Байрам сони.
 10.20 Мустақиллик жамоли.
 10.25 Ўзлонлар.
 10.35 — 11.05 «Мухаббатга ошно қалблар».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.40

22.55 — 00.45
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».
 19.00 «Ахборот» (рус тилида).
 19.25 Мустақиллик жамоли.
 19.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.
 22.00 «Жаҳон ва биз».
 22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
 23.40 «Гўзаллик бунёдкорлари».
 00.10 «Вилотнинг хикояси».
 00.50 — 01.10 Интернет-концерт.

«Тошкент» студияси таништиради:
 18.30 Болалар учун. «Табассум».
 19.10 «Антенна».
 19.40 «Кичик дебют».
 20.10 Эсдалик учун дастхат.
 20.35 — 22.05 «Кинематограф».

ЎзТВ II
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.25

22.55 — 01.10
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 Мустақиллик жамоли.
 18.45 «Мультикарusel».

19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
 19.50 «Монитор-Осиё».
 20.35 «Светлица польска».
 21.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
 21.25 «Бу ажиб дунё».
 21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
 21.55 — 22.15 Теннис. Турнир жилolari. Кўрсатуви А. Метревели олиб боради.

ЯҚШАНБА, 3
ЎзТВ I
 6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Мустақиллик жамоли.
 8.05 «Камалат». Болалар учун кинодастури.
 9.35 I. Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
 10.00 «Ватанимга хизмат қилман».
 11.00 Болалар учун «Орзуларим бир дунё».
 11.20 «Экран хандаси».
 11.50 «Кўшиқларимиз синга армуғон».
 12.20 — 13.50 «Тоҳир ва Зухра». Бадий фильм.

17.55 Мустақиллик жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
 18.00 «Томоша» ахбороти.
 18.15 «Аллоҳимиз авлодлари».
 18.50 Бир жуфт кўшиқ.
 19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
 19.25 Ўзлонлар.
 19.30 «Хафтаном» (рус тилида).
 20.00 Мустақиллик жамоли.
 20.05 Ўзлонлар.
 20.10 «Яқшанба оқшомида». Муслиқий дастур.

20.55 Ўзлонлар.
 21.00 «Хафтаном».
 21.30 Мустақиллик жамоли.
 21.35 Ўзлонлар.
 21.40 Спорт кўрсатувлари. 1. I Марказий Осиё ўйинларида. 2. Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.
 23.30 — 24.00 «Хафтаном».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
 10.00 Мустақиллик жамоли.
 «Мультикарusel».
 10.15 «Табият дунёси».
 11.05 «Хусусийлаштириш: қадам-ба-қадам».
 11.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
 12.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
 12.40 Видеоид.
 13.00 «Теле-ателье-шоу».
 13.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Ўзлонлар.
 13.50 — 15.30 «Кинонигоҳ».

17.00 «Совга».
 17.30 «Мухаббатга ошно қалбар».
 17.50 Жаҳон географияси.
 18.40 Ўзлонлар.
 18.45 Видео—«О».
 20.25 Ўзлонлар.
 20.30 «Курьер».
 20.50 «...яна об-хаво ҳақида».
 21.00 «Постфактум».
 21.10 «Компьютер — Осиё».
 21.40 «Кулгига нима етсин».
 22.05 Ўзлонлар.
 22.10 «Даракчи».
 22.25 Видео янгиликлари.
 22.45 Ўзлонлар.
 22.55 — 00.35 Видео—«О».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 6.30 — 8.00

18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
 20.45 — 21.35

22.55 — 00.45
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
 Мультфильм.
 9.30 «Жонли сайра».
 10.00 «Менинг кўчам».
 10.15 «Эртақларнинг сехри о